Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 26 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 41 (7134)

Da`vat

Рух қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.

В.ГЮГО

Ibrat

Шароф Рашидов туманидаги «Барака» деҳқон-фермер уюшмаси (раиси Абдумавлон Маҳмудов) хомийлигида тумандаги «Шодлик» номли 21 - иқтидорли болалар бошланғич мактаби муддатидан илгари тўлиқ таъмирлаб бўлинди.

ИСЛОМ КАРИМОВГА «ОЛТИН МАРЖОН» МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

ЎзА хабарига кўра мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссон Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга федерациянинг олий мукофоти «Олтин маржон»ни тантанали равишда топширди. Мазкур мукофот давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда, қолаверса жаҳонда спортни ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун берилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳондаги давлат раҳбарларидан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирланди.

Маълумки, 25 май куни Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланади.

— Мазкур чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилиши биз учун катта воқеа, — деди Ислом Каримов сухбат чоғида. – Хабарингиз бор, яқинда Тошкентда ўзбек кураши бўйича биринчи халқаро мусобақа ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг барчаси Ўзбекистон билан халқаро спорт ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган бу учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

АЁЛ - ОНА ВА МУАЛЛИМ

Бошланғич таълимда самарадорликни ошириш масалалари хусусида

Гўзал Фарғонада бошланғич таълимда самарадорликни оширишга бағишланган «Аёл - она ва муаллим» мавзусидаги республика семинари бўлиб ўтди. Юқори савияда ташкил этилган мазкур кенг қамровли анжуманда республика таълим тизими раҳбарлари, олимлар, бошланғич таълим усталари ва мутахассислар қатнашдилар. Аввалдан таъкидлаш лозимки, фарғоналиклар тадбирни ўзгача бир шакл ва мазмунда ўтказиш учун жуда катта тайёргарлик кўришди. Шу боис ҳам йиғилиш серфайз, кўтаринки рухда ва ишчан кўргазма-ю таҳлилларга бой бўлди. Меҳмонлар анжуманнинг дастлабки куни гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги мактабларда бўлдилар. Машғулотларни кузатдилар. Ўқитувчилар болалар билан суҳбатлашиб, янгилик ва тажрибаларни ўргандилар. Улар тўпланишиб, вилоят халқ таълими бошқармасининг «Устоз» телестудияси орқали бутун водий узра эфирга тарқатилган бошланғич таълимга оид видео лавҳаларни томоша қилдилар. Семинар қатнашчиларининг оёғи етмаган бирорта туман деярли қолмади. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Нўъмонжон Мўминов сафар жараёнларида йиғилишнинг сўнгги дақиқасигача анжуман иштирокчиларига ҳамроҳлик қилди. Мактабларни кўздан кечирди. Бу ҳам вилоят раҳбарларининг таълимга алоҳида эътибор билан қараётганларига бир мисолдир.

Халқ таълим вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг ташаббусига биноан, бошланғич синфлар доирасидаги кўргазмали анжуман нега айнан Фарғонада ташкил этилди, деган савол туғилади. Сабаби - фарғоналиклар бу борада анчагина бой тажриба тўплаб, ўзига хос янгиликлар яратишган. Бундай тажрибаларнинг илдизи эса, қарийб 15 йил илгарига тақалади. Аниқроғи, 1984 йили қувалик муаллимлар бошланғич таълимда сифат ва самарадорликни ошириш борасидаги ташаббус билан чиқдилар. Улар орасида Абдурасулов мактаби бўйича ишлашни хоҳловчилар кўпчиликни ташкил этди. Чунки бошланғич синф асосий таълимнинг пойдевори, тамал тоши ҳисобланади. Пойдевор мустаҳкам бўлса, ундан кейинги бўғинларда ҳам яхши натижаларга эришилиши мумкинлиги ҳақида кўп марта айтилган.

(Давоми 2-бетда)

СИЗГА ТАЪЗИМ, АЗИЗ МУАЛЛИМ!

Кеча барча илм масканларида сўнгги қўнғироқ тадбирлари бўлиб ўтди

Биз ҳам айрим мактабларда бўлиб, бу тадбир нафақат анъанавий, балки ўзига хос байрам эканини яна бир бор ҳис этдик. Гап шундаки, Яккасарой туманидаги 127-мактаб битирувчи синф ўқувчилари устозларига гуллар тақдим этишиб, «Олдимизда катта синовлар турибди», «Сизга таъзим, азиз муаллим!», «Эҳтиромим қабул айланг!» сингари дил сўзларини баён этишди.

Ўғил-қизларнинг ҳаяжонли дамларида ҳокимликлар, турли ташкилот вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳозир бўлдилар. Улар ҳам устозларга ўз ташаккурини билдиришиб, битирувчи синф ўқувчиларини мустақил ҳаётга илк қадам қўяётганликлари билан табрикладилар.

Байрамнинг тантанали қисмида ўғил-қизлар устозларга бағишланган шеърлар ўқиб, куй-қўшиқлар ижро этишди.

Шу куни битирувчи синф ўқувчилари пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонини зиёрат қилишиб, мотамсаро она пойига гуллар қўйдилар. Биз 11-«А» синф ўқувчиси Азамат Исмоиловни суҳбатга чорладик.

— Очиғи, бу кун мен учун жуда ҳаяжонли бўлди. Эрталаб сўнгги қўнғироқ чалинганда юрагим бир ғ.зиқди. Қадрдон мактабим билан, устозлар билан хайрлашиш нақадар оғир эканлигини ҳис этдим.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон НАТОнинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган саммитда ҳамда Ҳамкорлик бўйича Евро Атлантика Кенгаши учрашуви пайтида тинчлик ва равнақ йўлидаги ҳаммаслаклиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорлик мактуби йўллади.

•Ислом қонунчилигида жуда катта шуҳрат топган буюк юртдошимиз Бурҳониддин ар-Равшадоний юртида «Бурҳониддин ал-Марғилоний - ар - Равшадоний ҳуқуқий мероснинг илмий-амалий аҳамияти» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

• Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон - АҚШ, АҚШ - Ўзбекистон қўшма комиссиясининг иккинчи сессияси бошланди.

• Германиялик машҳур сиёсатчи, Шимолий Рейн - Вестфалия ерининг собиқ бош вазири Йоҳаннес Рау Германиянинг янги президенти этиб сайланди.

• Тбилисида Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзега қарши террорчилик ҳаракатини ташкиллаштиришда гумон қилинган шахслар гуруҳи қўлга олинди.

• Хитой ҳукумати Альбанияга иқтисодий ёрдам сифатида 5 миллион юан (600 минг АҚШ долларига тенг) миқдорида маблағ ажратди.

Ta'kid

ТОҒДА МИНГ ТУП ТЕРАК КЎЧАТИ

Оламнинг баҳор фаслида ажиб гўзалликка бурканишини ўйлар эканман, кўз ўнгимга табиатга ва тоғнинг баҳорий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган инсонлар келади.

Биз тоғлар қуршовида яшаймиз. Самарқанд вилоятига қарашли Нурота тоғ тизмаларига қарашли Оқтоғда турли хил доривор гиёҳлар, масалан: қизилча сунбул, тошёрғон, сург, кийик ўти, равоч, дўлана каби ўсимликлар ва дарахтлар мавжуд. Оқтоғ ўзининг ҳайвонот оламига ҳам эга эди. Эндиликда қўл билан санарли ҳолга келиб қолган. Бир вақтлар Оқтоғ ўзининг ажойиб гўзаллигига эга эди. Йўқ, ҳозир Оқтоғнинг ҳоли хароб дея олмаймиз. Чунки, тоққа ҳар йили табиат ишқибозлари келиб туради. Лекин шу саёҳатчилар ичида тоғ гўзаллигини билиб билмай йўқотувчилар ҳам топилиб қолади. Бир замонлар тоғнинг пастки қисмидан то баландигача алвон рангли лолалар очилиб ётган бўлса, эндиликда қучоқ-қучоқ лола тера олмайсиз. Айб фақат улардами? Баъзи бир кимсалар тоғдаги дарахтларни кесиб кетишяпти.

Баҳор кириб келиши биланоқ кесиб кетилган дарахтларнинг ўрнини тўлдириш учун янги кўчатлар экиш ва Оқтоққа кўрк бағишлаш фақат мактабнинг иши эмас. Бунга бутун қишлоқ аҳли бош қўшиши лозим деб ўйлайман.

Бундан уч йил муқаддам адабиёт ўқитувчиси Иззатулла Ғазнаев биринчилардан бўлиб ўзи раҳбарлик қилган синф ўқувчилари билан биргаликда Оқтоққа 1000 туп терак кўчатини ўтказдилар. Ҳозирги вақтда бу тераклар-нинг барчаси бўлмаса ҳам бир қисми вояга етмоқда. Бу йил эса бутун мактаб маъмурияти эзгу ишни қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг баҳор фаслида Оқтоққа мактаб ўқувчилари томонидан 500 туп ўрик, олма, гилос, беҳи, нок, қароли, тол, терак каби мевали ва мевасиз дарахтлар экилди.

Уч йилдирки , дарахт экиш анъана тусини олди.

Мактабимиз жамоаси бошлаб берган бу ташаббусни келгусида туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, хўжаликлар қўллаб-қувватласалар ва амалга оширишда бош-қош бўлсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Нигора НАВРЎЗОВА,
Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 55-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Maktabgacha ta'lim

КИЧИКЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ КАТТАЛАР

— «Маҳдум» хусусий фирмаси раҳбари Саъдулла Сафарбоев болаларни севиб яшайдиган, улардан ҳеч нарсани аямайдиган саховатли инсонлардан бири, — деди биз билан суҳбатда Беруний туман халқ таълими бўлими мудири Э.Ҳасанов. - Юз марта эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал. Яхшиси, туман марказидаги 7-«Райҳон» болалар боғчасига қилаётган оталиқ ёрдамини ўз кўзингиз билан кўрсангиз ҳам амин бўласиз.

Ҳаш-паш дегунча болалар масканига етиб келдик. Бизни илиқ кутиб олган боғча мудираси Муҳаббат Тажимовадан оталиқ ташкилотининг жажжилар масканига кўрсатаётган муруввати ҳақида гапириб беришини илтимос қилдик.

- Болалар боғчасида 103 нафар бола тарбияланаётир, - дея ҳикоя қила бошлади боғча мудираси М.Тажимова. - Тумандаги «Маҳдум» хусусий фирмаси кичкинтойларга ғамхўрлик қилиб келмоқда. Жумладан, боғчамиз фирма маблағи ҳисобига табиий газ билан таъминланди, атрофи кўкламзорлаштирилди, болаларнинг овқатланиши учун стол-стул олинди. «Маънавият ва маърифат» хонаси, «Фитобар» жиҳозланди. Ҳозирги пайтда эса оталиқ ташкилотимиз яна бир хайрли ишга қўл урди - боғчага қўшимча хоналар ва спорт зали қуриб бераяпти.

Биз боғчада амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари билан танишгач, бу борада ҳам қувончли натижаларга эришилаётганидан мамнун бўлдик. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Мактабгача тарбия» концепцияси каби муҳим ҳужжатларни иш фаолиятларида бош мезон қилиб олган боғча жамоаси аъзолари барча тадбирларни ана шу асосда амалга оширишга алоҳида аҳамият беришяпти. Мураббийлар дилбандларга савод ўргатиш, илк иқтисодий тарбия бериш, давлат тилини ўргатиш, экологик тарбия кўникмаларини ҳосил қилиш «соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш, миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига асосий диққат-эътиборни қаратаётирлар.

Боғча жамоаси Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Соғлом авлод учун» кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни олганлиги фикримизнинг далилидир. «Тарбиячи—97» кўрик-танловида эса боғча тарбиячиси Анор Жумашева Қорақалпоғистон Республикасида биринчи ўринни эгаллаган эди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

КОЛЛЕЖ ҚУРИЛИШИ АВЖИДА...МИ?

**** Янги бинода янги мақомда...***

**** Лойиҳалар нега кечикди?***

**** Раҳбар лойиҳачилар билан ҳаммуаллиф бўлсин.***

Биз бугун реконструкция ва қурилиш ишлари бошланиб кетган касб-ҳунар коллежларида аҳвол ана шундай дея таъкидлай оламизми?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигига ярим йилдан ортиқ вақт ўтди. Мазкур дастур асосида барча вилоятларда янги турдаги таълим муассасалари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун янги замонавий ўқув биноларини барпо этиш, барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар қуриш, уларни зарур замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича муайян ишлар бажарилиши лозим. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш ҳамда ишга тушириш жойлардаги тўхтаб қолган қурилиш ишларини давом эттириш, эски таълим тизимидаги ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув муассасалари, мактаблар ва бошқа таълим-тарбия муассасалари биноларини қайта ихтисослаштириш, замон талабларига мувофиқ мослаштириш эвазига амалга оширилмоғи керак. Хўш, бугунга келиб ушбу жараёнда қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Жойларда реконструкция ва қурилиш ишлари қай аҳволда бажарилмоқда? Ана шу мақсадда Қашқадарёга йўл олдик.

Қашқадарё вилоятида бу йил сентябрь ойида 7 та ўрта махсус таълим муассасаси реконструкция ва таъмирлашдан чиқиб, янги бинода янги мақомда, яъни касб-ҳунар коллежи сифатида иш бошлайди. Дастурга асосан Қамаши агробизнес коллежи ва Чироқчи касб-ҳунар лицейи қишлоқ хўжалиги соҳасида, Қамаши касб-ҳунар лицейи ҳамда Қарши маданият техникуми педагогика йўналишида, Қарши шаҳридаги 1-касб-ҳунар лицейи қурилиш йўналишида, Косон туманидаги 4-касб-ҳунар мактаби саноат йўналишида, Қарши тижорат техникуми хизмат кўрсатиш йўналишида йиғит-қизларга янги-янги мутахассисликлар сирини ўргата бошлайди.

Jarayon

Замонавий кадр тайёрлаш учун замонавий ўқув биноси, ишлаб-чиқариш устахонаси, малака учун зарур асбоб-ускуналарга эга бўлмоқ керак. Бу борада янги очилажак коллежларнинг қурилиш объектларида қандай ўзгаришлар бўлмоқда?

Педагогика соҳаси бўйича касб-ҳунар коллежига айлантирилаётган Қарши маданият техникумида бажарилган ишлар ҳажми (вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг жорий йил 1 майгача бўлган маълумотига кўра) 11 фоизни, ўқув биноси ва маъмурий-маиший мажмуадаги ишлар 30 фоизни, 100 ўринли ётоқхонадаги таъмирлаш ишлари 15 фоизни ташкил этади. Қурилиш соҳасида касб-ҳунар коллежига айлантирилаётган 1 - касб-ҳунар лицейида эса бажарилган ишлар ҳажми 16 фоизга, ўқув биноси ва маъмурий маиший мажмуадаги ишлар 22 фоизга, ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида 40 фоизга, ошхона ва ётоқхонада 15 фоизга тўғри келади. Бу шу йил сентябрда ишга тушиши керак бўлган муассасалардаги аҳвол.

Шу ўринда асосли савол туғилади, нима сабабдан бу кўрсаткичлар жуда паст? Лойиҳалаш ишлари қачон тугатилган ҳамда реконструкция ва қурилиш ишлари қачон бошланган?

Қашқадарёлик мутахассисларнинг фикрича, лойиҳалаш - смета тузиш ишлари кечикканлиги боис, асосий ишлар апрель ойининг 2-ярмида бошланган. Демак, таҳририятимизга аввалроқ тушган Урганч қурилиш коллежи директори Ибодулла Бойжоновнинг қуйидаги хатида «жон» бор: «Ушбу йилда қурилиши ва таъмирланиши бошланиши ва тугатилиши керак бўлган коллежлар ва академик лицейлар лойиҳаларини тайёрлаш ишлари ҳали вери тугалланмайдиганга ўхшайди. Буюртмачи ва лойиҳачилар ўртасидаги ишларнинг шу вақтга қадар поёнига етказилмаганлиги, ишдаги узилишлар ва тартиб бузилишларга сабаб бўлиши мумкин...

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёки дафтарига

ЎН БЕШ АСР ОЛДИН

Ўзбекистонлик археологларнинг аниқлашича, Ўрта Осиёда бир ярим минг йил аввал ўта мураккаб бўлган жарроҳлик операциялари ўтказилган экан. Қазиш жараёнида топилган аёл кишининг суяк қолдиғи текширилганда IV асрдаёқ бош суяк операцияси амалга оширилган ва аёл кейин ҳам жуда узоқ яшаган.

ҲАШАРОТЛАРДАН ОЛИНГАН АНДОЗА

Ҳозирги самолёт ва вертолётларни транспорт турлари ичида энг тез ва чаққон деб биламиз. Ваҳоланки, авиаконструкторлар бир сонияда 2200 маротаба қанот қоқадиган пашшадан ва ҳавода муаллақ туриб, ён томонга кескин ҳамда тез ҳаракат қила оладиган ниначидан ҳам жуда кўп нарсани ўрганишган.

ФАН БАШОРАТНИ ТАН ОЛАДИМИ?

Баъзан етук олимлар ўзларидан кейин бирон бир фаннинг «тугаган»ини башорат қилишган. Яъни, бу фанда очилиши керак бўлган сир ёки янгилик қолмади дейишган. Масалан, 1931 йилда итальян олими Э. Ферми физика ўз интиҳосига яқинлашяпти, яқинда бу фанда географиядагидек ҳамма нарса маълум бўлади деган.

МУСБАТ ВА МАНФИЙ ХУСУСИДА

Узоқ вақт давомида математикада мусбат ва манфий сонлар турли усулларда кўрсатиб келинган. Жумладан, Европада у плюс, минус сўзларининг бош ҳарфлари билан кўрсатилган. 1489 йилга келиб дарсликда +, — математик Иоганн Видманн томонидан Лейпцигда эълон қилинган.

КОЛЛЕЖ ҚУРИЛИШИ АВЖИДА...МИ?

(Боши 1-бетда)

Акс ҳолда республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар асоссиз равишда бажарилмасдан қолиши, қурилиш ишлари эса сифатсиз ва палапартиш бажарилиши табиий...»

Маданият техникумидаги реконструкция ва қурилиш ишларига бош пудратчи ҳисобланган «Қаршиуйжойсаноатқурилиш» трестига қарашли Яккабоғ механизациялаштирилган кўчма жамланмаси бош муҳандиси Ўрол Худоёров билан бўлган мулоқотимиздан сўнг ҳам юқоридаги масалага бироз ойдинлик киритилди. Ўрол аканинг таъкидлашича, бу ерда асосий ишлар 16 апрелда бошланган. Икки ҳафта мобайнида, яъни 1 майга қадар бу ерда 16 миллион сўмлик ишлар бажарилган. Кичик ўқув биноси, 100 ўринлик ошхона, 100 ўринлик ётоқхоналарда эшик-дераза ромлари янгидан тўлиқ алмаштирилди. Иситиш тармоғи, электр ўтказиш тизими 100 фоиз алмаштирилмоқда. 300 нафарга яқин қурувчилар эса вахта усулида икки сменада меҳнат қилишмоқда. Улар шу ернинг ўзида озиқ-овқат ва ётоқ билан таъминланган.

— Май ойида жадал суръатда 65 миллион сўмлик ишни бажарамиз, - дейди Ўрол ака. — Реконструкция ишлари 1 сентябргача тугатилади. Қўшимча янги иккита 200 ўринли 3 қаватли ўқув биноси қурилиши эса 2000 йилнинг 1 январида охирига етказилади.

Суҳбатимиздан яна шу маълум бўлдики, «ЎзЛИТТИ шаҳарсозлик» институти мутахассислари тайёрлаган лойиҳа асосида бу ерда мажлислар зали, спортзал ва спорт майдончалари , 2 та бинодан бинога ўтиш жойи (рекреация), сабзавот маҳсулотларини сақлаш омборхонаси, қозонхона, махсус дам олиш жойлари, хиёбон қурилишлари, умумий ер майдони 1,75 га бўлган коллеж ҳудудини панжаралаш каби ишлар амалга оширилади. Мазкур техникумнинг ётоқхонаси ва ўқув биносининг биринчи қаватида ушбу қурилишнинг штаби жойлашибди. Биз бу ерда бўларканмиз, хона деворида лойиҳачилар тайёрлаган янги коллеж лойиҳаси чизмасини, бош пудратчи ва бошқа қурилиш ташкилотларининг алоҳида ким қайси вазифани бажариши кераклиги ҳақидаги батафсил маълумотни, иситиш ва электр ўтказиш тизими янги чизмаси акс этган плакатларни кўрдик. Қурилишда бир неча ташкилотлар қатнашаётганлиги боис, битказилган ишлар натижаси фоиз ҳисобида ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида кўрсатилган. Бу эса қурувчилар ўртасида ўзига хос мусобақа вазифасини ўтамоқда.

Яна бир муассаса, қурилиш соҳасида касб-ҳунар коллежига айлантирилаётган шаҳардаги 1 касб-ҳунар лицейидаги қурилиш жараёни билан танишдик. Бу ерда 3 қаватли асосий ўқув биноси, ўқув ишлаб чиқариш устаханалари ва учта 100 ўринли ётоқхона бинолари реконструкция қилинмоқда. Қўшимча 3 қаватли янги ўқув биноси ва қозонхона қурилиши бошланган. Ер майдони 8 га бўлган бу масканда ҳам «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» институти мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳа бўйича «Қаршиуйжойсаноатқурилиш» трестига қарашли 3-механизациялаштирилган кўчма жамланма қурувчилари қизғин иш бошлаган. Мазкур таълим маскани директори Тилла Қўлдошевнинг таъкидлашича, эски ўқув биноси тўлиқ таъмирланиб, ҳозир бинонинг ташқи кўриниши янгиланмоқда экан. Шунингдек, бу ерда янги лойиҳа бўйича бинодан бинога ўтиш жойлари, масалан, ўқув биносидан тўғри ошхонага ўтиш имконияти яратилади. Бу масканда ҳам қурилиш штаби ташкил этилиб, қурувчилар 2 сменада ишламоқда.

— Ҳозиргина лойиҳачилар билан тортишиб чиқдим , - дейди Тилла ака. - Лойиҳа бўйича махсус технология фанлари хоналари (масалан, кимё лабораторияси) ўқув биносининг 3 қаватига жойлашибди. Лекин вилоятнинг иқлим хусусиятларини инобатга олиб қарасак, бу бизнинг шароитга тўғри келмайди. Ушбу лабораторияларни пастга, 1 қаватга жойлаштириш зарурлигини исботлаб турибман.

Ҳа, келажагини ўйлаган раҳбар шу бугуннинг ўзида лойиҳачилар билан ҳаммуаллиф бўлиб, ўз даргоҳини қулай ва шинам этиб яратишга интилади. Зеро, лойиҳа маҳсули эртага унинг маскани, таъбир жоиз бўлса, жонажон уйи ҳисобланмайдими?

Бундан ташқари, вилоятда 2000 йилда фойдаланишга топширилади янги касб-ҳунар коллежлари қурилишлари ҳам бошланиб кетган. Булар сирасига вилоятнинг 14 та туманида бунёд этиладиган янги коллежлар киради. Бугунга келиб бу ерда асосан янги қурилиш учун ажратилган ер майдони таркибини аниқлаш, ерни текислаш ва бошқа лойиҳалаш ишлари бажарилмоқда. Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг юқоридаги маълумотига кўра, Муборак, Китоб шаҳарлари, Нишон, Косон, Шаҳрисабз, Қарши, Баҳористон, Яккабоғ, Деҳқонобод, Касби туманларида очилаётган коллеж объектларида ер ишлари 6 фоиздан 70 - 100 фоизгача бажарилган. У.Юсупов туманидаги саноат соҳасидаги касб-ҳунар коллежи ўқув биноси пойдевори, ғишт териш, ҳудудни панжаралаш ишлари 25-30 фоизгача бажарилган. Бу туманларда ҳам май ойи охиригача ҳар бирида 15-20 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилади.

Қаршидан 200 км масофадаги Муборак туманида бўлганимизда, бу ерда 600 ўринли малакали ўқитувчилар тайёрлайдиган коллеж ҳамда 200 ўринли ётоқхона қурилиши бошланганлигининг гувоҳи бўлдик. Коллеж буюртмачиси ЎМКҲТ вилоят бошқармаси ҳисобланиб, бош пудратчи этиб Муборак тумани 31 - махсус механизациялашган жамланма белгиланган. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Мурод Чўлиевнинг айтишича, ҳозир бу ерда ер майдонини ўлчаш, текислаш ишларида бир бригада ишламоқда. Бўлажак коллеж ҳудуди ён томонларидан кучли ёруғлантирувчи лампалар (прожекторлар) ўрнатилмоқда. Бу эса келгусида ишни икки сменада ташкил этиш имкониятини яратади. Йил охиригача мазкур қурилишда 42 миллион сўмлик иш бажарилади...

Хулоса қилиб айтганда, реконструкция ва қурилиш ишлари вилоят бўйича май ойида 575 миллион сўмни ташкил этади, шу жумладан, 380 миллион сўм бу йил очиладиган 7 та касб-ҳунар коллежларини таъмирлаш ишларида ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Ўзлаштириладиган маблағ ҳажми катта, лекин муддат кун сайин яқинлашиб, вақт кам қолаяпти. Ҳадемай, 3 ой ёз ҳам ўтади, куз келади. Тилагимиз кузда санайдиган «жўжа»миз сони ва сифати жиҳатидан ишончимизни оқлайдиган даражада бўлсин.

Нурлан УСМОНОВ
«Маърифат» мухбири

МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМАН

Янги ўқув йилида X-XI синфлар учун янги "Маънавият ва мантиқ" дарсининг киритилиши, унинг услубий жиҳатдан таъминланиши ва самарали ташкил қилиниши энг долзарб ва айни пайтда, муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу дарс бўйича ўқитувчилар учун ёрдам сифатида намунавий ўқув режани тузиб чиқдим.

I-IX синфларда ўқувчилар «Одобнома» дарсидан сабоқ олишади. X-XI синфларда ўтилаётган «Маънавият ва мантиқ» фани эса мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра аввалги дарслардан юқори туриши исбот талаб этмас деб ўйлайман.

Шу боис биз мактабимизда ўқитувчилар билан келишган ҳолда «Маънавият ва мантиқ» дарсларини ўқувчилар фикрини чархловчи, мантиқий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштирувчи омилга айлантириш, уларни ранг-баранг мазмун ва шакллар билан янада қизиқарли қилиш услубларини танладик. Ҳар бир дарс 10 дақиқалик «Даракчи» ахбороти билан бошланади. Чунки кузатишлар шуни кўрсатдики, юқори синф ўқувчилари, аксарият ҳолларда, республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий воқеаларга, ёшлар ҳаёти, жамиятдаги ислоҳотлар ҳақидаги маълумотларга чанқоқ. «Даракчи» хабарларини ўқувчилар мустақил тайёрлашлари кўзда тутилган. Режаланган «Газета рукнлари тилга кирганда...» мавзусини республикамиз матбуоти саҳифаларида берилган бадиий-публицистик матнлар асосида ёритиш ҳам шу мақсадда ташкил этилади. Бундай дарсларга тайёргарлик кўрар экан, ўқувчилар маънавий озуқа олиш билан бирга, мустақил равишда бирламчи манбалар билан ишлаш, мушоҳада юритиш малакаларини ҳам эгаллашади. Ҳар бир мавзу якунида ўқувчиларнинг «Реферат ҳимоя қилиш»лари йўлга қўйилган.

Ушбу намунавий ўқув режани таклиф этиб, ҳамкасбларимни газета саҳифалари орқали мулоқотга чорламоқчиман. Шу билан бирга, мен «Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог ходимлар ва таълим муассасаларини аттестация Бошқармаси» мутахассисларига мазкур ўқув режани тузишда берган амалий ва услубий ёрдами учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Дилором ҒОФУРОВА,
Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани
204-ўрта мактаб
ўқитувчиси

СИЗГА ТАЪЗИМ, АЗИЗ МУАЛЛИМ!

(Боши 1-бетда)

Хотира майдонида эса бизга фидойи ватандошларимиз руҳи мадад бераётгандек, шу билан бирга эзгу ишлар сари ундаётгандек бўлди. Хуллас, қадр тушунчасининг маъносини айнан шу майдонда англаб етдим, десам муболаға бўлмайди.

* * *

Ана шундай тадбир Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими бўлими мудири Р. Усмонбеков, туман ҳокимлиги вакиллари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

— «Сўнгги қўнғироқ» кечасига мактаб ташкил топганлигининг 30 йиллиги тантаналари уланиб кетди. Шу йиллар давомида мактабни тамомлаган, турли касб соҳиблари эрта тонгданоқ битирувчилар шодиёнасига ташриф буюришди. Улар эзгу тилакларини билдириб, устозларига, мактабга эсдалик совғалари, гуллар ҳадя этдилар.

Мактабларда ўтаётган сўнгги қўнғироқлар қандай аҳамият касб этади, дея сўраганимизда Сорахон опа Отамирзаева шундай жавоб қилди:

— Сўнгги қўнғироқ кечалари мактаб битирувчиларига катта ҳаёт остонасига қадам қўяётганлигини яна бир бор англатади. Уларни биринчи қўнғироқ сасини эшитиб мактабга кириб келган кезларидан бошлаб ўқитувчию ота-оналар қаршиларида турган мана шу ҳаётга тайёрлаганлигини тушунишга кўмаклашади.

Ўқувчилар эса бу тадбир яъни сўнгги қўнғироқ «Халқимизга муносиб фарзандлар, қолаверса, истиқлолнинг етук кадрлари бўлишга чорлади» дея лутф қилишди.

Қисқаси, ўқув муассасаларида ўтаётган тадбир теграсида фикрлар, муносабатлар турлича бўлди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Фахриддин КАРИМОВ

Суратларда:

1. Пойтахтимиздаги 24-ўрта мактабда ҳам сўнгги қўнғироқ тадбири катта байрамга айланиб кетди.
2. Тошкент туманидаги Ҳамид Олимжон номли 12-мактабнинг 4-«А» синф ўқувчилари эса ўзларининг ҳаяжонли дамларини устозлари Соҳиба Иноятова билан биргаликда ўтказишди.

Даврон АҲМАД ва
Шавкат АКРОМОВ
олган суратлар

ГЕОГРАФЛАРНИНГ СУЮКЛИ УСТОЗИ

Яқинда, хорижлик бир олим билан миллий ҳунармандчилигимиз намуналарини томоша қилаётганимизда, бир дўппидўз опа «зардўзилардан келинойимизга олиб кетинг» деб қолди ҳамроҳимга. Ўшанда, чамаси 50-55 ёшлардаги олим бироз ўнғайсизланиб тургач, нимтабассум билан:

— Мен ҳали уйланмаганман, — деб жавоб қилди ва бизнинг ҳайрон қолганимизни кўриб, — ёшлигимда ҳали уйланишга эрта деб жаҳон кездим. Китоб билан тиллашиб, илм билан диллашиб юраверибман, ҳаш-паш дегунча ёшлик ҳам ўтиб кетибди. Энди уйланишга кеч бўлганга ўхшаяпти, — деган эди. Шунда дўппи тикувчи опа: — Фанга бахшида умр деб шуни айтсалар керак-да, деб қўйганди.

Ким билади, 60-йиллардаёқ ўлкамизда «ўзбек Магеллани» номи билан машҳур саёҳатчи ва олим сифатида танилган, профессор, раҳматли Ҳамидулла Ҳасанов билан ҳам хорижга қилган сафарларидан бирида юқоридагига ўхшаш суҳбат бўлган бўлса, ажабмас. Зеро, ҳозирги ўзбек географлари авлоди қалбида ўчмас из қолдирган суюкли устоз Ҳ. Ҳасанов ҳам илмфан йўлида тинимсиз изланишда бўлди. Европа, Осиё, Америка қитъаларини, курраи заминимизнинг барча уммонлари соҳилларини кезди. У турмушини фақат фан билан боғлади, зукко шогирдларини қадрдон фарзандлар ўрнида кўрди. Ҳамкасблари профессор О.Ю. Пославская ва Р.У. Раҳимбековлар таъбири билан айтганда, Ҳамидулла Ҳасанов ўрта аср олимлари географик меросини юксакликка олиб чиқди, ўнлаб ватандош географ ва сайёҳларни биз учун кашф этди. Шу жумладан, Беруний, Бобур, Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳайдар Мирзо ва Маҳмуд Қошғарий кабилар ижодини завқ-шавқ билан шарҳлаб, баён қилди. У сермаҳсул ва серқирра ижод соҳиби, бутун умрини том маънода фанга ва таълимга бағишлаган ҳақиқий олим эди.

Техника фанлари номзоди, доцент Шомаҳсуд Исҳоқов жигари — яқин қариндошини ёдга олар экан: «Ҳамидулланинг илмий фаолиятини, фанда ва кадрлар тайёрлашда қилган хизматлари, инсоний фазилатлари ҳақида жуда кўп гапириш мумкин, шунда ҳам ҳаммасини айтиб ўта олмайсиз. Унинг хизматларини бутун мамлакатимиз географ олимлари, унинг ҳамкасблари, шогирдлари яхши билишади.» — дейди ва олимнинг бу даражага етишишида у униб ўсган оилавий муҳитнинг ҳам таъсири катта бўлганини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, Тошкентда туғилган Ҳамидулла Ҳасановнинг болалигидаёқ отаси бевақт оламдан ўтиб, онаси — муаллима Латифа опа, ҳамда амакиси ўз даврида Хоразм маориф нозири бўлган Карим Қори Ниёзийлар қарамоғида камтарона, лекин зиёли ва меҳрибон муҳитда улғайди. У 17 ёшида Ўрта Осиё Давлат Университетининг (ҳозирги ТошДУ) геология-география куллиётига ўқишга кириб, уни 1941 йилда тамомлади ва 1946 йилгача немис фашистларига қарши жангларда ҳарбий хизматини ўтади. Кейинчалик у ҳозирги «Ўзбекистон овози», «Туркистон» газеталарида адабий ходим, «Фан ва турмуш» журналида редактор ўринбосари бўлиб ишлаб, кенг оммага маърифат улашишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Ҳ.Ҳасанов 1950-53 йилларда Москва география илмий-тадқиқот институтида аспирантурани муваффақиятли тамомлаб, фан номзоди илмий даражасини олди ва 1954 йилдан ТошДУда доцент лавозимида ишлай бошлади. Маъмурий ва жамоат ишларида фаол иштирок этиш билан бирга илмий йўналишини тинимсиз ривожлантирди, натижада 1967 йили география фанлари доктори унвонига сазовор бўлди.

Унинг юздан ортиқ илмий мақолалари, 15 рисола ва 4 монографияси нашр этилган. Устознинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан ТошДУ география факультетида, ўлкамизда ягона «Рельефли глобус» билан жиҳозланган ўқув- методика кабинети ташкил этилган.

Жаҳонгашта олимнинг шогирдларидан бўлмиш ТошДУ профессори З. Акрамов ҳамда шу олийгоҳнинг география факультети декани, география фанлари номзоди Ш. Зокиров устозни хотирлаб шундай дейишади:

— Раҳматли, ҳаёт бўлганларида бу йил 80 ёшни қаршилар эдилар. Афсуски, 1985 йил 22 май куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, география жамияти фахрий аъзоси, ТошДУ табиий география кафедраси мудири Ҳамидулла Ҳасанов кафедрада ҳамкасблари ва шогирдлари қўлида абадий уйқуга кетди. Жонкуяр мураббийдан бизга дунёнинг турли ҳудудларидан келтирилган кўргазмали, ноёб ашёлар, қизиқарли асарлар, қимматли ўгитлар мерос бўлиб қолди.

Олимнинг фаол меҳнатлари муносиб тақдирланган. Ҳамидулла Хасановнинг фан ва таълим тараққиёт йўлидаги хизматлари унутилмаган, унутилмайди ҳам. Мана икки кундан сўнг Тошкент Давлат Университетида устоз таваллудининг 80-йиллиги муносабати билан Республикамизнинг турли ҳудудларидан географлар йиғилишиб, олимни хотирлайдилар, унинг сафдошлари ва шогирдларининг эсдаликларини тинглайдилар.

Шерзод ЕТМИШЕВ

Yuzma-yuz

МУХЛИСЛАР ДАВРАСИДА

Жиззах вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, истеъдодли ёш актёр Беҳзод Муҳаммадкаримовлар билан учрашдилар.

Ижодкорлар ижодий ишлари, оилавий ҳаётлари ҳақида сўзлаб бердилар. Савол-жавоб қизғин тус олди.

Ҳар иккала ижодкор янги суратга олинаётган «Учишга рухсат» фильмида ўйнаётган роллари ҳақида учрашув қатнашчиларини воқиф этдилар. Тингловчиларга дарс ўтаётган Тошкент Давлат маданият институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари ҳам учрашувда иштирок этишди.

Ҳар иккала актёрнинг ижодий йўли, маҳорати умумтаълим мактаб ўқитувчиларида катта таассурот қолдираётган экан. Бу учрашувда яққол сезилди.

Юлдуз ГИЁСОВА

ХАБАРЛАРИ

JAMOATCHILIK MAKTABDA

G'ijduvon tumanidagi 35-maktabda yoshlarimizni har tomonlama bilimdon, zukko bo'lishlari, har qanday ekstremistik kuchlarga qo'shilmasliklari, to'g'ri yo'lni tanlay bilishlari maqsadida bitiruvchi (9-11) sinf o'quvchilari bilan qiziqarli uchrashuv o'tkazildi. Unda qonun egalari-sud, prokuratura, ichki ishlar bo'limi, tuman xalq ta'limi tashxis markazi va kasb hunar kolleji xodimlari, ishbilarmon, tadbirkor kishilar va turli kasb egalari, ota-onalar ishtirok etdilar.

Uchrashuvda tuman prokurori yordamchisi Nurullayev, ichki ishlar xodimi B.Shodiyev so'zga chiqib, yo'ldan adashayotgan yoshlarning xatti harakatlari ularni keltirib chiqarayotgan sabablar to'g'risida gapirdilar.

So'ngra tuman tashxis markazi direktori G.Boltayeva, 5 - kasb-hunar kolleji ma'naviyat-ma'rifat ishlari bo'yicha direktor muovini S.Ne'matov va turli kasb egalari so'z olib o'z kasblari muvaffaqiyat va mashaqqatlari to'g'risida so'zlab berdilar. Anjuman oxirida o'quvchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob olib, anjuman ishtirokchilariga qiziqarli suhbat va maslahatlari uchun minnatdorchilik izhor etdilar.

M.ORTIQOVA

KUTUBXONACHILAR ANJUMANI

Buxoro viloyati Shofirkon tumanidagi 22 - maktabda kutubxonachilarning seminar-o'quvi o'tkazildi. Tuman xalq ta'limi bo'limi tashabbusi bilan tashkil etilgan mazkur anjumanda barcha maktab kutubxonachilari to'planishdi.

Ziyokorlar maktab kutubxonachisi Orzigul Tillayevaning ish tajribasi bilan o'rtoqlashdilar.

Seminar o'quvda maktab direktor o'rinbosari Olim Qodirov «Maktab va kutubxona hamkorligi» mavzusida maktab o'qituvchisi Ozoda Usmonova Prezidentimiz Islom Karimovning «Barkamol avlod orzusi» kitobi yuzasidan ma'ruza qildilar.

Tuman maktablaridagi o'quvchilarning darsliklar bilan ta'minlanishi, badiiy va boshqa mavzulardagi adabiyotlar tashviqoti xususida qizg'in munozaralar bo'lib o'tdi.

H.KAMOLOV

"SEHRLI USTOZ – 99"

Samarqand viloyat «o'quvchi yoshlar texnika ijodiyoti markazi»ning tashabbusi bilan yaqinda «Ayollar yili»ga bag'ishlab, o'quvchilar texnika ijodiyoti markazlarining to'garak rahbarlari o'rtasida «Sehrli ustoz - 99» ko'rik tanlovi bo'lib o'tdi.

Deyarli barcha tuman vakillari ishtirok etgan bu tanlov qatnashchilari: «Tashrif qog'ozi», «Mening mashhur taomim», «Bilimlar olamida», «Lazzat ustaxonasi», «Vaziyat» kabi sinovlarda bellashishdi.Tanlovda ayniqsa, Tayloq, Kattaqo'rg'on, Narpay kabi tumanlardan tashrif buyurgan ishtirokchilar faollik ko'rsatishdi. Musobaqa yakuniga ko'ra, Tayloq tumani o'quvchi yoshlar texnika ijodiyoti markazi, «Boshlang'ich texnik modellashtirish» to'garagining rahbari Nilufar Jabborova faxrli 1 - o'rinni egallab, viloyat X.T.B. ning «Faxriy yorlig'i», «Matonatli murabbiy» ko'krak nishoni va qimmatbaho sovg'alar bilan taqdirlandi.

T.SHEROV

ХАБАРЛАРИ

АЁЛ - ОНА ВА МУАЛЛИМ

Бошланғич таълимда самарадорликни ошириш масалалари хусусида

(Боши 1-бетда)

Қуваликлар дастлаб андижонлик бошланғич таълим устаси, халқ ўқитувчиси, тажрибалари Ўзбекистондан ташқарига ҳам ёйилган устоз муаллим Мамажон Абдурасуловни туманга таклиф қилишди. У кишининг маслаҳатларига, ўгитларига қулоқ тутдилар, болаларни рағбатлантириш орқали машғулотларга қизиқтириш усулини ўргандилар. Кўргазмали машғулотларида оммавий қатнашдилар. Шундан кейин, пухта режа асосида ишга киришдилар. Орадан атиги икки йил ўтгандан сўнг бундай ижодий изланишлар, игна билан чуқур қазишга менгзагулик меҳнатлар ўзининг яққол самарасини берди. Болаларнинг ҳуснихати яхшиланди, ўқув фаолияти ўсди, фикрий доираси кенгайди. Муҳими, кўпдан-кўп қобилият ва истеъдодлар юзага келди...

Меҳмонлар Бешариқ туманидаги 4-боғча-мактабда, 1 - боғча-гимназияда бўлганларида, болаларнинг таълим олишлари учун яратилган қулай шарт-шароитларни кўриб, машғулотларни кузатиб ҳавас қилдилар. Бу ерда тайёрланган асл нусхали кўргазмали қуроллар, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, ажойиб таълим муҳити компьютер билан «тиллашиш»... Янгиликларни санаш учун бармоқ етмайди.

Учқўприк туманида вилоят бўйича ибратли таълим муҳити яратилган десак, эҳтимол, янглишмасмиз. Меҳмонлар марказдан четроқда Бекобод қишлоғидаги 20 - , Кенагас қишлоғидаги 21 - мактабда бўлдилар. Бундай ташрифнинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Зеро, биз қишлоқ мактабларини кўпинча ночорроқ аҳволда кўрамиз ва «ғариб» дейишга одатланиб қолганмиз. Мазкур ўқув даргоҳлари эса замонавий биноларга эга. Моддий асоси ҳам бақувват. Кишининг ташқи қиёфаси унинг шахсини белгилаганидек, агар мактаб обод бўлса, у ерда тартиб-интизом, таълим-тарбия ҳам яхши йўлга қўйилган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларининг 500 ва ундан ортиқ шеърлар ёд олганлари, ўзлари мустақил равишда шеър ёзганлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Меҳмонларнинг эътироф этишларича, фарғоналик болаларнинг ёзувлари бир-бирига жуда ўхшаш ва чиройли экан. Чунки улар андоза услубида ёзишни машқ қилишади. Ўқитувчилар бундай йўл тутишни Мамажон Абдурасуловнинг тажрибаларидан ўрганишган. Домла бир вақтлар андоза услубини кенг қўллаб, ажойиб натижаларга эришгани, албатта, кўпчиликнинг ёдида.

Олтиариқдаги 20 - мактабда қисқа вақтли қизиқ тажриба ўтказилди. Вазир Ж.Йўлдошев бошланғич синф ўқувчиларининг бир минутда нечтагача сўз ўқий олишларини синаб кўрди. Натижа чакки бўлмади: ҳар бир бола белгиланган вақт оралиғида юздан ортиқ сўзни ўқиб берди. Бу уларнинг янги алифбода ҳарф таниш ва ёқда турсин, ҳатто мутолаа борасида ҳам анчагина савод чиқарганларини билдиради.

Қувадаги 7 - мактабда ўқитувчилар электр токида ишлайдиган «Аёл - она, муаллим» номли каттагина ҳажмли кўргазмали қурол яратишибди. Телевизор қутисига жойлаштирилган, айлантириб ўтказиладиган қоғоз ўрамига эса турли мавзуларга оид ёзувлар битилган. Мурватни бурасангиз бас, экранда бирин-кетин матнлар, чизма ва расмлар пайдо бўла бошлайди. Уларни ҳамма машғулотларда ҳам қўллаш мумкин.

Кузатишимизча, мутахассислар сафар жараёнида ўқувчиларнинг шеър ёдлашларига, тетапоя насрий ва назмий машқларига кўпроқ эътибор қаратишди. Мактабларда ҳатто мингтагача шеър ёдлаган, таниқли кишилар ҳақида шеър ёки кичик баён ёзаётган болалар ҳам бор экан-да. Бу бежиз эмас. Холбуки, бола шеърий ёки насрий матнларни қанчалик кўп ёд олса, унинг хотира имкониятлари шунчалик кенгаяди, фикрини ифода қилиш қобилияти ўсади. Ижодий машқ эса ёзма нутқларни равонлаштиради, ривожлантиради.

Хуллас, ютуқлар, янгиликлар, тажрибалар кўп, бошланғич таълим тизимида дадил олға силжишлар бор. Буни йиғилиш қатнашчилари икки кунлик анжуман жараёнида ўз кўзлари билан кўрдилар.

Анжуман иштирокчилари белгиланган жойларни кузатиш жараёнида тажрибаларини ўзаро ўртоқлашдилар, тўпланиб қолган муаммоларни давра суҳбатларида атрофлича муҳокама этдилар. Бу жиҳатдан семинар кўпроқ амалий тавсифга эга бўлди. Шунинг учун ҳам анжуманнинг якунловчи назарий қисми узоқ чўзилмади. Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев бунда бошланғич таълимда самарадорликни янада ошириш учун нималарга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги ҳақидаги ғоя ва таклифларни айтди, дастуриламал даражасидаги фикрларини билдирди.

Ҳозир Республикада мактабгача бошланғич таълимдан кейин ўтиладиган барча фанлар бўйича тажриба-синов майдончалари очилган, у ерда келажакда ўқитиладиган дастурлар муваффақиятли синовдан ўтказилянти. Энди шундай савол туғилади: бошланғич таълим олдига қандай ислоҳот талаблари қўйилди?

Биз ўқувчиларга қанчалик муҳташам мактаб бинолари қуриб бериб, бу мактабларни энг замонавий ўқув-техника қуроллари, мукаммал дастурлар билан таъминланишига қарамай, таълим самарадорлигини ошириш барибир кадрлар малакасига, ўқитувчи шахсиятига бориб тақалаверади. Шунинг учун ҳам бугунги кун бошланғич синф ўқитувчиси олдига каттагина талаблар қўйиляпти. Мана, замонавий ўқитувчининг модели: билимли, саводхон, методик жиҳатдан маҳоратли, устозлик даражасини эгаллаган, шахсий маданиятли, кечиримли, қайсидир чет тилини биладиган, иқтисод алифбосини, компьютерда ишлашни ўзлаштирган бўлиши керак.

Энди Ўзбекистонда ҳам педагогика билим юртлари аста-секиндан бошланғич синфда дарс беришни хоҳловчилар фақат педагогика институтларида, университетларида таҳсил оладилар. Шунингдек, уларнинг малака оширишлари ҳам такомиллаштирилади.

Сабоқ беришда ўтмишдаги айрим услуб ва қолиплардан воз кечишнинг даври ҳам етиб келди. Энди ўқитувчи болани ўқитмайди, балки ўқишга ўргатади, тайёр билимларни бермайди, лекин унинг билим эгаллаши учун муҳит яратади. Ўқувчида ўз устида ва матнлар устида ишлаш борасида малакалар ҳосил қилади.

Музокараларда сўзга чиққанлардан қувалик Маҳбубахон Пўлатова, ёзёвонлик Ўктамхон Солиева, навоийлик Ёдгор Бердиқулов ва бошқалар ҳам ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман сўнггида Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев мактабда эндигина иш бошлаган ёш ўқитувчилар билан бафуржа суҳбатлашди. Уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Ечимини кутаётган айрим муаммоларни ҳал этиш бевосита вазирлик зиммасига юклатилди. Вазир вилоят марказида тузилган ёш ўқитувчилар клуби аъзоларини Тошкентга саёҳатга боришларини таклиф қилди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

«АВЕСТО» — БУЮК МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ

Ўзбек халқи маънавиятининг тарихий илдизлари қадим-қадим замонларга бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Унинг манбалари қаторига муқаррар тарзда муқаддас «Авесто»-ни ҳам киритишимиз лозим.

Муқаддас «Авесто» тўғрисида юзлаб китоблар, саноқсиз мақолалар жаҳоннинг турли тилларида чоп этилган бўлса ҳам, унинг очилмаган қирраларидан бири, шубҳасиз, инсоният маънавий тараққиётининг бутунлай янги босқичи бўлиб ҳисобланадиган эзгулик фалсафасининг биринчи бор шакллантирганлигидадир. Бу фалсафа негизида, аввало, инсоният эзгулик, яхшилик, ёруғлик қудратини ўзида мужассам этган тангри Ахура Маздага эътиқод қилиш туради.

Бу эътиқоднинг бошида Абу Райҳон Беруний томонидан биринчи пайғамбар деб эътироф этилган тарихий шахс Спитомон Зардушт туриши бизга маълум. Зардуштнинг тарихий шахслиги тўғрисида турли-туман, бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. Кўпгина адабиётларда, (хусусан, Г. Ҳидоятов «Менинг жонажон тарихим» дарслигида ва бошқаларда) Зардуштнинг аниқ туғилган йили ва вафоти кўрсатиб ўтилган. Булар айниқса, европалик муаллифлар асарларида кўпроқ учрайди. Улар Зардушт эрамиздан олдинги 589 йилда туғилиб, 512 йилда вафот этган деб ҳисоблашади. Бундай қарашлар асосан Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида билдирилган Зардушт Искандар Зулқарнайндан 258 йил олдин дунёга келган деган фикрга кўпроқ асосланади. Лекин Беруний қайси манбага таяниб бундай аниқ санани кўрсатганлиги номаълум.

Б.Ғафуровнинг «Таджики», А.Саъдуллаевнинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» каби китобларида эса муқаддас «Авесто»нинг энг қадимги нусхасидаги тил ва топонимика хусусиятларнинг алоҳидалигини эътиборга олиб, зардуштийлик эрамиздан олдинги 1500-1200 йиллар орасида шаклланган деган хулоса чиқарилади. Бундай хулоса ҳам тарихий хронологияга, ҳам илмий мантиққа мос келади, деб ҳисоблаймиз.

Муқаддас «Авесто»да тилга олинган кўпгина жўғрофий атамалар, Ўрта Осиёнинг дарё ва кўллари, денгиз ва тоғлари, қабила ва қавмлари қандай аталиши тўғрисидаги илк қарашлар қатъий муҳрланган ҳолатда бизгача етиб келган. Масалан, энг қадимда Амударёни Даъхья, Орол денгизини – Ворукаша, Сирдарёни – Дану, қуйи Амударё ҳудудларини эса – Войчох, жанубий Туркманистон ҳудудларини – Марда, жанубий Ўзбекистон ва шимолий Афғонистон ҳудудларини – Бахти, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё ҳудудларини – Сўғд, Фарғона водийсини – Паркана ва ҳоказо деб атаганлар. Ўрта Осиёнинг энг қадимги қавмлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларини ана шу буюк манбадан топишимиз мумкин. Хусусан, Жиззах ва Ўратепагача бўлган тоғ тизмаларида ва тоғолди ҳудудларда яшаган халқларни устунлар, улар яшаган ҳудудларини уструшон деган ном билан тилга олинади. Шунингдек, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги икки қирғоқда яшаган қавмлар Сирдарёнинг қуйи қисмларида яшаган қавмлар қорапонлар, Хоразм воҳасидаги ҳукмрон қавмлар орийлар ёки войчох орийлари атамаси билан тилга олинади.

Ўзбек давлатчилигининг қарор топиши тўғрисидаги илк маълумотларни ана шу буюк манбадан топиш мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Тоҳир КАРИМОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети фалсафа кафедраси доценти
Хусниддин АҲМЕДОВ,
фалсафа кафедраси ўқитувчиси

НАВБАТДАГИ ТАҲЛИЛ

Кейинги пайтларда Шаҳрисабз тумани мактабларида, туман халқ таълими бўлимининг йиғилишларини кўчма тарзда ўтказиш анъанага айланиб бораяпти. Бу, албатта, таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир этмоқда. Жумладан, навбатдаги йиғилиш С.Айний номидаги 26-ўрта мактабда ўтказилиб, туман мактабларида ўқув, ўқитув ишлари таҳлил этилди. Йиғилишда туман халқ таълими бўлими мудири О.Тўраев қатнашиб, таълим-тарбиянинг самарадорлигини янада ошириш, дарс жараёнида замонавий таълим услубларидан фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида ўқув йили давомида яхши кўрсаткичларга эришган 30, 88, 95, 100, 101-мактабларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Й.ИКРОМОВ

Барча мактабларда қўнғироқнинг сўнгги садолари янгради. Болаларга оромгоҳлар қучоқ очмоқда.

Юнусобод туманидаги оромгоҳларда ҳам дам олувчиларни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Хоналарнинг кенг ва ёруғ, ҳовли ва спорт майдончаларининг тоза, чиройли бўлишига катта аҳамият берилмоқда.

Суратларда: тайёргарлик ишларидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Istiqlol in'omlari

ХОРИЖГА ЧИҚҚАН ХОРИНБОЙ

Хоринбой Оқболаев Булоқбоши туман халқ таълими бўлимида хорижий тиллар услубчиси сифатида ишлаш билан бирга тумандаги 6-ўрта мактабда француз тилидан ёшларга таълим-тарбия бериб келади. Ижодкор, изланувчан муаллим замон талаблари асосида мактаб, болалар боғчаларида янгича машғулотлар ўтиш услубларини жорий этди. Ўқувчилари туман, вилоят, республика фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Булоқбоши туман халқ таълими бўлими Ўзбекистондаги Франция элчихонаси билан узвий алоқа ўрнатди. Элчихона томонидан у ишлаётган мактабда француз тилининг ўқитилишига доир семинар дарс ташкил этилди. Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Клод Ришар жаноблари унинг дарсларида бўлиб, француз тилининг ўқитилишига юксак баҳо берди. Семинар натижасига кўра, Хоринбой Франция давлатида малака ошириб қайтиш имкониятини қўлга киритди.

Келинг, яхшиси унинг ўзидан қисқача сафар хотираларини эшитайлик.

— Сафардан асосий мақсадимиз Европа таълим стандартларини ўрганиш эди. Ўқиш давомида 1 та университет, 3 та коллеж, 2 та лицейда бўлдик. Ўқитиш тизими билан танишдик. Бу мамлакатда «Таълим ҳақида»ги Қонун дастлаб 1915 йилда қабул қилинган. 1972 йилда эса бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилаётган «Таълим ҳақида»ги Қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилинган. Ўқитилаётган фанлар ичида француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзув аҳамиятга молик бўлиб, уларга ажратилган вақт жараёнининг 30 фоизини ташкил этади. Дарсларнинг давомийлиги 60 дақиқа, болалар сони 35-40 та. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади.

Бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Болалар қандай миллатга, мамлакат фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъий назар, ўқиш мажбурий ва бепул. Мактабларда овқатланиш пулли, лекин арзон нархда. Болаларга нафосат таълими беришга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчилар ўн бир ёшдан бошланғич мактабни тугатиб ўрта мактабга ўтадилар.

Ўқитувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатгандан сўнг, бакалавр унвони ва диплом учун имтиҳон топширадилар. Имтиҳондан муваффақиятли ўтганлар, дипломга эга бўлганлар олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Мактаб ўқитувчиларига қўйилган талаб Францияда ўта юқори. Айниқса, бошланғич мактабларда ўқитувчи ўз касбининг устаси, ажойиб нотиқ, санъаткор, спортчи, ташкилотчи, намунали хулқ-атвор эгаси бўлмоғи лозим.

28 кунлик ўқишдан сўнг, 3 кун Париждаги тарихий обидаларни, шаҳарнинг фусункор жойларини кўришга муяссар бўлдик.

Қадимий Сорбонна университети билан яқиндан танишдик. Француз тилини мукаммал билишимиз француз студентларини лол қолдирди. Ўзбекистонимиз ва унинг мустақиллиги тасвирланган фотосуратли китоблар, Президент асарларидан намуналар, байроқ, тамға, мадҳиямиз ҳақидаги китобчалар тақдим этдик.

«Умид» жамғармаси грантлари асосида Францияда таҳсил олаётган Самарқанд, Тошкент, Андижон, айниқса, булоқбошилик студентлар билан учрашдик. Улар ҳаяжон билан Президентимизга чуқур миннатдорчилик ҳис-туйғуларини изҳор этдилар.

Умид ЮСУПОВ
ўқитувчи,
Ф.КАРИМОВ
«Маърифат» мухбири

Taqriz

КОМИЛЛИК

«...Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин, фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир».

Умумтаълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун ўқув қўлланмаси сифатида чиқарилган «Одобнома»га ёзилган сўзбошида юқоридаги сўзларни ўқиш мумкин. Президентимиз Ислом Каримов қайғуриб айтган бу сўзлар ҳаммамизнинг дардимиз ва фикру ўйимиздир.

Комил инсон қандай бўлиши керак? Комиллик мезонлари нимадан иборат?

Бу савол азал-азалдан ҳаммани қизиқтиради, ўйлантиради. Шу жиҳатдан олганда, умумтаълим мактаблари учун чиқарилаётган «Одобнома» рисоласи ана шу саволга жавоб беради. «Ўқитувчи» нашриётида 100 минг нусхада чоп этилган қўлланмани варақлар экансиз, «Яхши сўз-жон озиғи», «Каттага ҳурмат-азалий одат», - «Меҳмон кутиш одоби», «Элга хизмат-олий ҳиммат», «Меҳнат-меҳнатдан унар», «Табиатга муносабат одоби», «Жамоат жойларида ўзини тутиш одоби» мақолатлари комиллик ақидаларидан сизни бохабар қилади.

Ўқиш бошқа, уқиш бошқа. «Одобнома»да ўзбекона миллий қадриятлар қуруқ баён билан эмас, - балки ҳаётий мисоллар, ривоятлар воситасида чақиб берилади. Дастлабки саҳифалардан ўрин олган «Бош ва тил» ривоятида халқимизнинг ажойиб мутафаккири Алишер Навоийнинг ақл-заковати чиройли шарҳлаб берилган.

Бир сўз билан айтганда, «Одобнома»ни ўқувчилар маза қилиб ўқиш билан бирга, ўз маънавиятларини ҳам юксалтирадилар. Кўлланма лотин ёзувида босилган бўлиб, муаллифлар Ойшахон Тўраева ва Машкура Туроповаларнинг кўп йиллик ижодий изланишлари самарасидир.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА.

Akademik litseylarda

ТЕРМИЗНИНГ «МИТТИ АКАДЕМИЯ»СИ

Термиз Давлат университети қошида ташкил этилган академик лицей биносини таъмирлаш учун роппа-роса 25 миллион, жиҳозларга эса 15 миллион сўм маблағ сарфланибди. Ким қандай мушоҳада этади, билмадиму, бироқ менимча, бу 40 миллион сўмлик маблағ, ҳар қалай озгина пул эмас.

Хуллас, лицей ҳовлиси ётоқхонаю ошхоналар замон талаблари асосида жиҳозланган. Бир сўз билан айттанда, Термизнинг академик лицейи мезбонлари Ғарбнинг ҳар қандай зиё тарқатувчи билим даргоҳлари билан беллаша олади.

Бугунги кунда лицейда ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва жўғрофия, физика ва математика, кимё ва биология, иқтисод йўналишларидаги 7 та гуруҳда 175 нафар ўқувчи таълим олаётир. Уларга 1 нафар фан доктори, 9 нафар фан номзоди ва яна 16 нафар алоҳида иқтидорли муаллимлар фан сирларини ўргатмоқдалар.

— Биз академик лицей ўқувчиларини галдаги, яъни олий таълимга йўналтирилган ҳолда ўқитаяпмиз, — дейди академик лицей директори, тарих фанлари номзоди, доцент Бўри Қодиров. - Зотан, улар келажакда фанимизнинг жонкуяр давомчилари бўлиб етишишлари керак... Хулосаларимизга кўра, иш билан гап ўртасида мослик бордай. Талабалар фақат илм олиш билан машғул. Ўқиш ва ўқитиш учун ҳамма шарт-шароит яратилган...

— Талабаларимизнинг кўпчилиги «кичик илмий ишлар» устида ҳам ишлашяпти, дея сўзида давом этади директор. — Уларга устозлари илмий раҳбарлик қилишяпти. Худди ана шу мақсаддаги ишларимизни тартиблаштириш ва ривожлантириш ниятида академик лицейда ижтимоий - гуманитар фанлар ва яна табиий фанлар кафедраларини ташкил этиш ишига киришдик...

Дарҳақиқат, қутлуғ ишга қўл урилди. Эндиликда алоҳида иқтидорли ўқувчилар олиб боришаётган илмий ишларга раҳбарлик қилиш ва яна фанлар олимпиадалари ва бошқа илмий йўналишдаги танловларга тайёргарлик ишларини бажаришни ана шу кафедралар ўз зиммаларига олишади.

Термизнинг «митти академияси»да илк улуғ ишлар бошлаб юборилди. Икром Умиров, Бегали Ҳақназаров, Муқаддас Ҳасанова, Мукаррамхон Алматова каби устозлар Жасур Сулаймонов, Исо Худойназаров, Жамила Маматова, Улуғбек Шаймонов, Дилноза Мусаева каби алоҳида иқтидорли ўқувчилар билан фаннинг у ёки бу соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб боришаётир.

Абдували ОБИДДИН

Ta'limdagi ayollar

САТРЛАРГА СИҒМАС СЕВИНЧИМ

Ўзини оддий ўқитувчиман, деб фахрланиб айтадиган Зарофат Усмонова қарийб 33 йилдирки, Тошкент шаҳридаги 274-мактабда она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келмоқда. Нақшбанд ҳазратлари айтибдурларки , «аҳли иршод (пиру устозлар) сайёд (овчи) кабидурларки, нозиклик билан ваҳший ҳайвонни қўлга оладилар ва толибни ваҳшийлик сифатидан одамлик мақомига етказадилар». Ҳақиқатдан ҳам бу мураккаб иш ундан катта куч, сабр-бардош, билим ва маҳорат, асосийси, болаларга муҳаббатни талаб этади.

Жамалак сочли жажжи қизалоқни биринчи ўқитувчиси Салима Носированинг синф тахтаси узра ҳаракатланаётган оппоқ қўллари, дид билан кийинишлари, ўқувчиларни ўз боласидек кўра олиши ўзига ром этган эди.

Кейинчалик юқори синфларда адабиёт ўқитувчиси Мирзом Афзалов дарслари уни сеҳрлади. Ҳавас орзуга айланди. Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳида ўқиш билан бирга қадрдон мактабда иш бошлади. Орадан йиллар ўтиб, ўзи ҳам устозлари каби обрў қозонди, талай шогирдлар етиштирди.

—Ўқитувчилик, шу касб туфайли ҳалол ризқ топиш – Оллоҳ берган неъмат деб ўйлайман. Кўчага чиқиб, қадам қўйдим дегунча, машина келиб тўхтайди. Булар ўқувчиларим бўлади. Истаган манзилимга зумда етказишади. Уйдан мактабга келгунимча ўнлаб ўқувчиларим саломлашишади, ҳолаҳволимни сўрашади. Байрам кунлари қучоғим гулга , қалбим қувончга тўлади. 33 йил мобайнида мактабимдан айри нафас олмадим. Олам ташвишини мактаб деганда унутдим. Интизом билан ишлашни биринчи ўринга қўйдим. Шу кунгача ишимдан кўнглим тўлган кун йўқ, яна нимадир эртага қолаётгандек туюлаверади, — дейди Зарофат опа.

Бу гапларда муболаға йўқ. Балки ўйларсиз, қизлари юмушларни битиргандир, Зарофат опа хотиржам ишлагандир, деб. Устоз турмуш ўртоқлари Иброҳим ака билан 5 ўғилни тарбияладилар. Бугунги кунда Музаффар - ҳайдовчи, Адҳам, Ҳотам - муҳандис, Алишер, Баҳодир — талаба. Келинлари Нозима - ўқитувчи, Шаҳло - ҳамшира, Шаҳноза — талаба. Аҳил бу оилага маҳалладошларнинг ҳаваси келади.

Зарофат опа ҳам оилани, ҳам мактабни, ҳам жамоат ишини ўринлата олган тинибтинчимас аёл. Айрим илмий мудирлар мажлис ёки бирор зарурият билан дарсларини кимгадир ташлаб кетишга мажбур бўлса, Зарофат опадан бир соат дарсни ҳам ололмайсиз. Қандай юмуш бўлмасин, дарсдан сўнг битиради. Адабиёт ўқитувчилари билан тенгма-тенг адабий кечалар, учрашувлар ўтказади. Яқинда унинг сайъи-ҳаракатлари билан ўтказилган учрашувда публицист, шоира Турсуной Содиқова, маҳалла аёллари ва мактаб ўқувчилари меҳмон бўлдилар.

Республика Таълим марказининг директор ўринбосари Муҳаббат Абдураимова шундай эслайдилар: Бундан 20-25 йиллар аввал 274 - мактаб Қори-Ниёзий номли Республика ПФИТИ нинг таянч мактаби эди. Илмий ходимларимиздан Р.Сайфуллаев, М. Юсупова, С.Нишонова, О.Мусурмонова, ўзим ва бошқалар Зарофатхоннинг дарсларида йиллар давомида ўтирганмиз. Ўз ишларимизни тажрибадан ўтказиб, номзодлик диссертацияларимизни ёқлашимизда мактаб адабиёт ўқитувчиларининг ҳиссаси катта бўлган. Буни қарангки, бу йил ҳам адабиётдан тузилган янги дастур Вазирлар Маҳкамасининг 203-сонли қарори билан шу мактабда муваффақиятли ўтказилмоқда.

Орамизда шундай фидойи, заҳматкаш мураббийлар борки, улар бу номни улуғламоқдалар. Зарофат опа ҳам шундайлар сирасига кирадилар. «Сен шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлиқ бағишла, ўзинг эса, қоронғуда бўл», дейди Нақшбанд.

Зарофат опа ҳам илмини шам этиб, кўнгилларни чароғон этишга, комил шахс тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди ва шу йўлда ҳамон давом этмоқда.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

НЕМИСМИ ЁКИ ОЛМОН?

Бир халқ — унинг тили ва номига оид мулоҳазалар

Дунё харитасида Дойчланд (Deutschland) деган мамлакат бор, аҳолисининг 90 фойизи дойч миллатига мансуб, миллий тилини ўзлари «дойч», «дойче шпрахе » дейишади, аҳолиси 82 миллиондан ортиқ. Дунёда дойчлар юз миллиондан кўп. Оғир ва енгил саноатнинг асосий тармоқлари бўйича бу мамлакат жаҳоннинг саноатлашган энг йирик мамлакатларидан бири ҳисобланади. Пойтахти Бонн эди, ҳозир Берлинга кўчаяпти. «Ахир, бу Германия-ку!», дерсиз. Тўғри, бу давлатнинг номи кўп тилларда шундай юритилади. Хўш, унда ўша давлатда яшовчи туб аҳоли ва миллатнинг номи қандай? «Немислар-да», дейсиз. Гап шундаки, улар «немис»лар эмас.

«Немис» сўзи ва тушунчаси тарихига бир назар солсак, у бизни беихтиёр славян халқлари тарихига етаклайди. Эрамиздан 2500-3000 йил муқаддам Марказий Оврупонинг шимолида, Эльба ва Одер дарёлари ўрталиғида истиқомат қилган ҳукмрон қабила германлардан иборат бўлган. Вақтлар ўтиши билан германлар аввал Аппенин ярим оролида яшаб, сўнгра шарқ томон юра бошлаб, кўплаб шарқий, шарқий-жанубий ва шарқий-шимолий халқлар, асосан, ҳозирги славян халқлари яшаётган ерларни босиб ола бошлашган. Шарқий Оврупонинг славян тили халқлари германларни, маҳаллий тилларни билмаганлиги, аммо озиқ-овқат ва бошқа маиший эҳтиёжлар заруратидан туб аҳоли билан имо-ишоралар орқали «гаплашган»лиги учун турлича аташган: руслар — «немис» «немецкий язык», булғорлар — «немец», «германец», «немски», «германски», чехлар – nemecky Nemecko, мажор (венгер)лар эса nemet, nemetul Nemetorszag деб аташган. Хуллас, ўша имо-ишоралар тилида гаплашувчилар «немые люди», «немцы», яъни «соқов одамлар» деб айтила бошланган ва уларнинг тили ҳам «немой язык», «немецкий язык» деб юритила бошланганки, бу сўз ва тушунчалар славян тилли халқларнинг тилида мустаҳкам ўрнашиб, қўллана борган.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олиши билан **немец** сўзи ва тушунчаси бизнинг тилимизга кириб келди ва ўзлашиб кетди. У пайтларда «немец» сўзини ўзбекчалаштириш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Умуман, таржиманинг энг осон йўлларидан бири — «калкалаштириш усули»ни ҳозир ҳам кўпчилик маъқул топади, чунки бундай ҳолда» бош қотириб ўтиришга ҳожат қилмайди-да! Ваҳоланки, дунёнинг бизга яқин ва узоқ халқлари тилларида «Дойчланд», «дойч», «дойче шпрахе» тушунчалари турлича сўзлар билан ифодаланмоқда. Мамлакат номи худди шу ёзилиш ва талаффузда ўз Олмониясида, қўшни Швейцария (асли Швицерланд), Австрия (асли Ўстеррайх), Люксембург, Лийхтенштайн ва Нидерландияда худди аслидагидай жаранглайди. Ва бошқа барча мамлакатлар ва тилларда ҳам шундай, аслидагидай, ёзилиши ва айтилиши керак эди-ю, аммо... Аммо дунёнинг бошқа мамлакатлари (улар 200 га яқин) ва тилларида биз шу пайтгача «немис» деб атаб келган тил ҳар хил атамалари (сўзлар) билан юритилади ва бу анъанага айланиб қолган. Хусусан, роман тилларига мансуб ва француз тилли мамлакатларда (Франгистонда – Allemagne (яъни «алеманг»), Allemand – (алма), Allemande (алма:д) олмон киши маъносида, Испанияда ва унинг собиқ мустамлакаларида Alemenia, alemau ва шунга ўхшаш талаффузда, туркий тили мамлакатларда (Туркияда – Almania, alman dili), Озарбойжонда – Алманиа, алман, керман, алман дили), инглиз тилли мамлакатларда Germany (джемени) каби ёзилади ва шу сўзлар талаффузининг турли вариантларига таянилади. Норвегияда эса Дойчланд учун Tyskland, дойч тили учун – tysk, дойч мардуми учун эса tysker сўзи ишлатиладики, бу сўзлар дойч тили тарихидаги, teudisca вариантига, яъни аслиятига бориб тақалади ва унга муқобиллиги билан ўз-ўзини оқлайди. Юқорида биз санаб ўтган учтўрт хил анъанага халқларда инглиз тилли, француз тилли ва туркий тилли тиллар ва анъаналардаги German (герман) ва Allemagne, Allemand (алеман) сўз ва тушунчаларининг қўлланилиши ҳам тарихий ва лисоний ҳақиқатга асло хилоф эмас, уларнинг қўлланилиши меъёрга айлангани эътирофга лойиқ. Чунки дойч миллатининг шаклланиши жараёнида асосан тўрт катта қабила – германлар, алеманлар, франклар ва сакслар ҳамда уларнинг тиллари фаол иштирок этган. Демак, бошқа халқлар тилларида қўлланилаётган герман, алеман атамалари ўз аслиятига — қабила номи, этнонимга бориб тақалиб, тарихий ва этнолингвистик асосга эга. Шу боисдан ҳам, эндиликда биз ҳар хил «оқу қизил» анъаналар исканжасидан қутилиб, ўз мустақил фикримиз билан илмимизни ривожлантирар эканмиз, энг яхшиси мамлакат номини Дойчланд, халқ ва тил номини «дойч» халқи, «дойч» тили, мардумини «дойч»лар десак, аслият ёзиларидан ва айтилишига муқобил йўл танлаган бўлур эдик. Ахир, бу иш билан ҳеч бир янгилик «яратган» бўлмаймиз, балки бир мамлакат ва элатни, унинг тили ва дилини ўзи айтгандай айтган, ўзи ёзгандай ёзган бўламиз, холос!

Дарҳақиқат, агар «Дойчланд», «дойч» атамаларини Атамақўмитамиз муомалага кирита олмаса, мамлакатнинг номини аташ ва ёзишда Германия ёки Олмония (ёҳуд Олмонистон) атамаларини қабул қилсак бўлади, чунки иккала топоним (жой номи) ҳам шу миллат шаклланишида асосий роль ўйнаган қадимги герман ва алеман қабилаларининг номини билдиради. Миллат ва шу миллат тилини билдирувчи «дойч» тушунчасини ўзбеклаштиришда аслиятга муқобилроқ туркий тилли анъанага эргашганимиз тарихий ва лисоний ҳақиқатга ҳурмат ва эътироф бўларди. Шунга кўра, «Олмон тили», «Олмон халқи», «олмон миллати» каби туркона атамаларни ҳозирги замон ўзбек тилига муомалага киритиш керак. Зеро, олмон каломи «алеман»нинг бошқача айтилиши, холос.

Айни пайтда нотўғри «немис» сўзини тилимиз истеъмолидан чиқариш, янги замонда янги истилоҳ билан фикр юритиш давр талабидир. Хўш, бу кимга боғлиқ?

1997 йили «Ўқитувчи» нашриёти навбатдаги «Дойч. Немис тили» номи билан олий ўқув юртлари учун дарслик чоп этди. Муаллифлар – олмон тилини юртимизда ва хорижда мукаммал ўрганган олмоншунослар О. Жуманиёзов, Р. Аллаёрова ва Ҳ. Исмоиловалар дарсликка ўз қўллари билан «Немис тили» деб ёзиб беришибди. «Ўқитувчи» нашриёти «немис» тили деб нотўғри атама қўллаб турган бир пайтда «Адолат» нашриётидан чиққан китобда (Ғайбулла Ас-салом,) «Ҳалоллик бозорда сотилмайди», 1998) «олмон тили» бемалол ишлатилган. Нашриёт мамлакатимизда таржима мактабини яратган олим Ғайбулла Саломовга ишониб, «Олмон» сўзини ишлатиб тўғри иш қилган, албатта. «Ўзбекистон» нашриёти эса 1994 йилдаёқ «олмон тилидан Йўлдош Парда таржимаси» деб Гюнтер де Бройннинг «Тристан ва Изолда» қиссасини нашр этган эди. Ундан уч йил олдин «Чўлпон» нашриётида «Етти оккуш» номи билан «Олмон халқ эртаклари» «олмон тилидан Ҳуррам Раҳимов ва Шарифа Салимова таржимасида» юз минглаб нусхада чоп этилиб, шу эртакларга ёзилган сўнгсўзда «олмон» сўзининг келиб чиқиши ва ишлатилиши қисқача изоҳлаб берилган эди. Яқиндагина «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Тоҳир Малик қаламига мансуб «Шайтанат» романининг 3-китобини, чоп этиб, унда «Олмония», «олмонлар» топоним ва этноним (халқ номи)лари 120 минг нусхада халққа бориб етган.

Масалага ойдинлик киритадиган пайт келмадимикан?

Камина яхши ният билан ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришга журъат этдим. Кимдир бошқача фикрда бўлса, ўз фикрини баён этса, маъқул иш бўларди. Шояд, кўплашиб фикрлашиб, ҳақиқатга яқинлашсак, бир буюк халқнинг номи ва тилини тўғри атасак, барчага маъқул ва манзур иш қилган бўлардик.

Ҳуррам РАҲИМОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти

Амиркул КАРИМ

СИНФДОШЛАР

Ҳаёт маҳкум елкамга
қўйса ташвиш тошини.
Уйидан безиб қочган
бебош бола сингари.
Болаликнинг беғубор
эли томон бошини
Олиб кетар Хаёлим
шамол каби сарсари.
Бунда зангори дала,
тупроқ йўлли кўчалар,
Ўйинқароқ самимий
дўстлар менинг ҳамроҳим.
Бунда барчадан азиз —
қишлоғимиз четида
Эртакдаги қасрдай
мактабим-манзилгоҳим.
Одил эди ҳарқалай
ҳарф ўргатган муаллим.
Биз гоҳо ҳадик билан
боқсакда чеҳрасига.
Мурғак онгимиз нени
эта билмаса ҳазм
Эзгу бир ишонч билан
жам эдик теграсида.
Синфбоши Содиқжон,
аълочи қиз Майсара
Ўтирган илк партага
боқдик ҳаваслар тошиб.
Энди қай манзилларда
не савдо бошингизда
Менинг илк ташвишимга
шериклар—синфдошим!

Орзулар чечак каби
очилдими ғуж, қийғос?
Ким бугун ҳаётнинг илк
партасида ўтирган?
Сиз қайга интиляпсиз,
кимга қилурсиз ҳавас
Эмасми у гоҳида
имондан юз ўгирган.
Содиқмисиз сўнгги кун
ичган қасамимизга
Кичрайиб қолмадими
биз орзу айлаган Бахт?
Мен бунга йўл бермадим.
Айтгум ёруғ юз билан,
Бардошим синаган ҳам,
гувоҳим ҳам битта Вақт.
Рост, гоҳи сўлди Орзум
имконлар саҳросида,
Лекин қуриб қолмадим,
тирилдим куйлаб баёт.
Йиқилганда турғазди
пок умид зуҳросидай
Шу зангор парталарда
тасаввур чизган ҳаёт!
Сиз учрашиб турасиз
йўқ бўлсам гоҳ сафларда,
Ёлғиз бир илтимосим —
менга ишонч бор бўлсин!
Покланиб бормоқ учун
бу Ҳаёт йўлларида
Сизга ҳам шу болалик
эзгулиги ёр бўлсин!

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШАВЕРСИН

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 204-боғча-мактаб мажмуасида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида «Боғча-мактаб мажмуасида иш шакллари мазмуни ва уни ташкил этиш йўллари» мавзуида кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда ТШУМОИ директори Динара Алиева «Мактабгача таълим муассасалари билан мактаб орасидаги муаммоларни ечиш йўллари», ТШХТББ мактабгача таълим бўлими бошлиғи Феруза Ваҳобова «Ўқувчиларни боғча-мактабга қабул қилиш талаблари ҳамда 1998-99 ўқув йилида ўқув тарбиявий ишлар натижалари», Юнусобод туманидаги 136-боғча-мактаб мажмуаси ўқитувчиси Дилбар Лекомцева «Мажмуада синфдан ташқари иш мазмуни», ТШУМОИ бошланғич таълим бўлими мудири Вера Несговорова «Боғча ва мактаб ёшидаги болаларда ижодий фикрлаш тасаввурини, ихтирочилик ва билиш фаолиятини шакллантириш», Ҳамза туманидаги 557-боғча-мактаб мажмуаси психологи Ирина Левахина «Болаларни биринчи синфга тайёрлаш жараёнида қийинчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқлари» мавзуларида маъруза қилдилар.

Сунгра анжуман иштирокчилари мажмуа синфлари бўйлаб саёҳат қилдилар. Боғчадаги фаолият билан танишдилар.

Д. ХЎЖАЕВА

«Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаси йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Ҳар йили бу мусобақаларда юздан зиёд ўсмир ўғил-қизлар иштирок этишиб, куч синашади, бир-бирлари билан дўстлашишади. Телевизион мусобақанинг яқинда бўлиб ўтган финал учрашувлари ҳам бунга гувоҳлик беради. Унда Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари ўзаро беллашдилар.

Суратларда: финал учрашувларидан лавҳалар.

Р.Альбеков олган суратлар.

V spartakiada yakunlari

ШАХМАТ

Самарқанд шаҳридаги вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги шахмат-шашка клубида Республика Халқ таълими вазирлигининг Y спартакиадаси дастуридан жой олган 1982-1983 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича жамоа биринчилиги бўлиб ўтди. Кескин курашлар остида ўтган ўйинларда Самарқанд вилояти биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи, Қашқадарё вилояти учинчи ўринларни эгаллашди.

САМБО

Ушбу тур бўйича мусобақалар Самарқанд Давлат Университетининг спорт залида ўтказилди. Жамоа ҳамда шахсий биринчилик бўйича бўлиб ўтган ушбу спорт турида самарқандликлар жамоа ҳисобида биринчиликни, Тошкент шаҳри жамоаси иккинчиликни, Бухоро вилояти жамоаси учинчиликни қўлга киритдилар.

Қизлар ўртасидаги самбо мусобақаларида жамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти биринчи ўрин, Тошкент шаҳри иккинчи ўрин, Самарқанд вилояти қизлари учинчи ўринни эгалладилар.

Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси мусобақада қатнашмади.

Ғолиб ва совриндорлар Республика Халқ таълими вазирлиги ва Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Мусобақа иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ, жамоатчи мухбиримиз

Xullas...

ЖАЗОГА ЖАЗО

Қиз бола онасидан улги олади. Йиллар ўтиб улар ҳам онаси сингари аёлга айланадилар.

Белгород шаҳрида яшовчи 40 ёшлардаги аёл қизига нисбатан жуда қаттиққўллик қилар, унинг хатти-ҳаракатларини ўз қолипига солмоқчи бўларди. Лаб бўёғидан фойдалангани учун она қизини шу қадар азоблаб, урдики, шўрлик оғзи бурни қонаб, қалби нафратга тўлди. Балки она қизидан қилмиши учун кечирим сўраса, иш судгача бориб етмасмиди? Она қизини ҳақ деб ҳисоблайди, қизнинг даъвоси, аризаси ҳам тўғри.

Суд ҳукм чиқарди: фалон модданинг фалон қисми билан айблов: Олти ойга ахлоқ тузатиш, қисқаси, жазога тегишли жазо!

МАШИНАГА УЙЛАНМАЙДИЛАР

Бу Америкадаги фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш бюроси ходимининг оғзидан чиққан гап.

28 ёшдаги Бастер Матчелл севган ёри ташлаб кетганидан сўнг ўзга жуфт топди. «Форд - мустанг» автомашинаси ишлаб чиқарадиган Дейролий шаҳрида туғилиб ўсган қаллиғи билан ўз никоҳини расмийлаштирмоқчи бўлган куёв эътирозга дуч келди: «Эркаклар машинага эмас, аёлга уйланадилар!»

Куёв ҳайрон. Никоҳ варақасида келиннинг отасининг исми-шарифи «Генри Форд» деб кўрсатилган эди. Исмда чалкашлик йўқ. Қолаверса, машиналарнинг исмини болаларига қўйиш америкаликларга хос.

Келин-куёвнинг никоҳи анча тортишувлардан сўнггина расмийлаштирилди...

ПРЕЗИДЕНТ МАШИНАСИДА ЖУРНАЛИСТЛАР

Мартабали шахсларга хизмат қилган машиналарга ҳам ҳурмат билан қарашади.

Бир вақтлар бу машина Свердловск обкомининг биринчи секратари бўлган Борис Ельцинга хизмат қилган эди. «Волга» «эга»си кўтарилиб кетгандан сўнг, машина бошқа амалдор шахслар хизматида бўлди. Ҳозир машина журналистлар хизматида. «Улов бундан кейин бошқаларга берилмаса керак», дейди ҳамкасблар бир бирига қараб, ўз кўркини йўқотган машина хусусида.

БОЛАЛАР «КУРАШ»И

1995 йилдан бери Германияда туғилиш кескин камайганлиги ҳақида маълумотлар бор. Расмийлаштирилган никоҳлар ҳам шунга яраша. Аҳоли орасида ўлим туғилишга нисбатан кўпроқ экан. 1998 йилда 69 минг киши турли сабаблар билан банд-аликни бажо келтирган. Шуниси таажжубланарлики, мамлакатда никоҳсиз туғилаётган болалар анча кўпаймоқда. Никоҳ ва никоҳсизлик ўртасида гўёки «кураш» кетаётгандек...

ana shunaqa gaplar...

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва тиллар факультети деканати филология фанлари доктори, профессор **Қаҳрамон ТОЙМЕТОВ** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Sport maydonchasi

БЕЛЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий табақа жамоалари ўртасида 11 - тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ишқибозлар учун энг қизиқарли ўтган ўйинлардан бўлган «Нефтчи» - «Насаф» учрашувида кутилмаган 4:0 ҳисоби қайд этилган бўлса, «Самарқанд» - «Дўстлик» учрашуви 4:3 ҳисоби билан якунланиб, «Самарқанд» турнир жадвалини бошқарадиган бўлди.

ЎТКИР НИГОҲЛАР БАҲСИ

Яқинда Чирчиқда бошланган мерганлик бўйича мусобақалар якунига етди. Беллашувлар сўнгида арбалетдан усталик билан фойдалана олган Андижон жамоаси 1 - ўринни, Фарғона ва Тошкент жамоалари 2 - ҳамда 3 - ўринларни эса қўлга киритдилар.

ҮЛКАН СОВРИН КИМГА ТЕГАДИ?

Бугун пойтахтимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳалқаро турнирлардан бири – аёллар волейбол жамоалари ўртасида «MIKASA Кубоги» учун мусобақалар бошланади. Волейболнинг янги қоидалари асосида олиб бориладиган бу турнир ғолибига дунёдаги энг улкан совринлардан бири саналган «MIKASA Кубоги» топширилади. Кубокнинг баландлиги 1,5 метрни ташкил этади.

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги республика олимпия ўринбосарлари билим юртида спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари поёнига етди. Мусобақалар ниҳоясида эркаклар ўртасида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Бухоро ва Фарғонадан келган спортчилар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Аёллар баҳсида ҳам Тошкент шаҳри вакилларига биринчи ўрин, иккинчи ва учинчи ўринлар эса Тошкент ҳамда Самарқанд вилояти гимнастикачиларига насиб этди.

КЕЛГУСИДА КЎРИШГУНЧА

Мамлакатимизнинг теннис бўйича 14 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси Индонезиянинг Жакарта шаҳрида Жаҳон Кубогининг минтақавий баҳсларида иштирок этиб қайтишди. Халқаро майдонларда ўйнаш учун етарли тажриба ва маҳоратга эга бўлмаганлиги туфайли ўғил болаларимиз 11-ўринни, қизларимиз эса 7-ўринни эгаллашди.

QUTLOV

Азиз отажонимиз – Шарифжон Кўзибоев!

Сизни туғилган кунингиз — 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг.

Фарзандларингиз: Зокиржон, Феруза, Жамила, Невараларингиз: Алишер, Гулрух ва Умиджонлар.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши барча таълим ходимларига катта масъулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 1999 йил июнь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Курсларга мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1.Мактабгача тарбия муассасалари мудиралари:
1.06.99– 27.06.99 йил
2.Мактабгача тарбия муассасалари услубчилари:
1.06.99 –27.06.99 йил
Қисқа муддатли курслар:
3.ҚР ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоят ХТБ \МТМ бўйича\ назоратчилари:
1.06.99 – 12.06.99 йил
4.Туман \шаҳар\ ХТБ \МТМ бўйича\ услубчилари:
2.06.99 – 12.06.99 йил
5. Нутқида нуқсони бор болалар махсус боғчалари \НЧБМБ\ ва нутқ гуруҳлари логопедлари:
1.06.99–12.06.99 йил

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй т: 46-98-04

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1999 йилнинг июнь ойига қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган

№	Тоифалар	қай тилда	Курс ўтказ. вақти	Муддати
1.	ВПХМОИларнинг ўқув ишлари бўйича проректорлари	ўзб	21-26	6
2.	Оз комплектли мактаб раҳбарлари	ўзб	1-28	24
3.	Ташхис маркази дефектологлари	ўзб	15-28	12
4.	Ташхис маркази психологлари	ўзб	1-14	12
5.	ЧЕТ раҳбарлари	ўзб	1-28	24
6.	Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (Жиззахда)	ўзб	7-12	6
7.	Спорт мактаби директорлари	ўзб	1-28	24
8.	Ўқувчилар саройи, болалар маркази (БУИМ) директор ўринбосарлари	ўзб	1-14	12
9.	Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ҳамда турбаза директори ўринбосарлари	ўзб	15-28	12
10.	Меҳрибонлик уйлари директор ўринбосарлари (Маънавият ва қўшимча таълим бўйича)	ўзб	1-14	12
11.	Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернат логопедлари	ўзб	15-28	12
12.	Рус тилида ўқитиладиган ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг ўзбек тили ўқитувчилари	ўзб	15-28	12
13.	Малака ошириш тизимида давлат талабларини жорий қилиш бўйича маърузачилар курси (ВПХММОИларнинг ижтимоий фан ўқитувчилари)	ўзб	15-28	12
14.	Малака ошириш тизимида давлат талабларини жорий қилиш бўйича маърузачилар курси (ВПХМОИларнинг табиий фан ўқитувчилари)	ўзб	1-14	12
15.	Тарих-география дарсларида янги информацион технологиялардан фойдаланиш (ВПХМОИлар учун маърузачилар курси)	ўзб	15-28	12
16.	Енгил атлетика тренерлари курси	ўзб	1-14	12

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог-олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент – 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

ДАЙДИГИНА БОЛА

ёхуд менинг тутинган укам

Уни ҳар гал учратсам, кўнглимда илиқлик уйғонар, меҳрибонлик кўрсатсам,- ташвишларидан чалғитсам дер эдим.Ҳойнаҳой у, ҳақиқатдан ҳам беозор , ёқимтой бола эканига ишониб қолган бўлсам керакки,- бепарво одамлар унинг олдидан индамай ўтиб кетсалар ҳам жаҳлим чиқарди. Мен унинг кўзларига тўйиб-тўйиб боққим келар, ортидан узоқ термулиб қолардим...

Бир куни қишлоққа кетаётгандим.Бекатга вақтлироқ келиб, шу атрофдаги тижорат дўконларини айланиб юриб , яна ўша болани учратдим.Кўзларида мунг... У юрган томонга қадам босдим...

-Неча пул?— деб сўради у, чиройли туфлини кўрсатиб сотувчидан.

—Тўрт ярим минг...

—Э-ҳа-а, бизга тўғри келмас экан,—деди у, дўкондан чиқаркан оёқларига бир қараб олиб.Мен ҳам беихтиёр оёқларига қарадим.- Таърифлаб ўтирмоқчи эмасман. Илиб олган нарсаси чориқликка ҳам ярамасди.

Ташқарига чиққач уни тўхтатдим.

—Овқат ейсанми?—деб сўрадим.

—Ҳа!—деди у қисқа қилиб.

Ошхонага кирдик. Нон, чой, овқат олиб келиб столга қўйдим.Ўз улушимни ҳам емасдан кўзларига термулиб ўтирдим.У эса, овқатини биров тортиб олиб қўядигандек апил-тапил тушира бошлади.

—Яна ейсанми?

Жавоб ўрнига кўзларимга жовдираб қаради.Иккинчи косани ҳам олдига суриб қўйдим.

—Исминг нима?

—Рустам, —деди у, оғзини тўлдириб овқат еркан...

—Қаерликсан, Рустам?

—Билмийман...

— Нега?

—Қатлийлигимни, қатта туғилганимни билмасамде, а так, машитта котта бўвомман-ку, значит шўтлиманде, —деди бир оз тетикланиб олган Рустам.

—Нега нон емадинг?

—Мамбинисиям менгами?

—Ҳа, униси ҳам сенга.

—Унда булани қечқурун қонним очганда йийман, хўп!

—Ота-онанг борми?—эҳтиёткорлик билан сўрадим.Афтидан бу саволни эшитавериб ўрганиб кеттан бўлса керак, бепарвогина «йўқ» дея жавоб қилди.

—Ҳеч кимим йўқ дегин...

—Детдомда эдим...

—Хўш?..

—Қочдим...

—Нега?

—Сиз туғилганингиздан апсусланганмисиз?

Ҳайратим орта бошлади.У эса, жавоб кутмай давом этди.

—Мен апсусланаман...—Чуқур тин олди.—Нега ҳам туғилдим-а ўшанда?.

Рустам худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек гапирарди:

—Мени ҳамма танийди, «Дайди» деб чақиришади. Фақат бугун сиз Рустам деб эйттийиз.Ўзимдан котта опам борийди. Касал бўлиб қолганладе, кейин ўлиб қолган. Ўша опам эйтарди: мен туғилвотганда ойимла ўлганладе, кейин адамла бизани деддомга ташаб, бошқа оган хотинлари билан узоққа кетиб қоганла. Ўлган опамми яхши кўрардим.

Боланинг кўзига ёш илинди; менинг ҳам томоғимга нимадир тиқилгандек бўлди; қанчалар гапдон бўлмайин, юпатишга сўз тополмай қийналардим... бир жўяли гап айтишга тил ожиз.

Болага ёрдам бериш ҳақида ўйлай бошлагандим, бошимга келган биринчи фикрдан қувониб сўрадим:

— Мен билан кетасанми?

— Қатга?

— Наманганга...

— Ўтта нима қиламан?

— Бизникида, менга ука бўлиб юрасан. Қорнинг оч қолмайди. Эгнинг ҳам бут бўлади. Сенга ўхшаган укаларим бор. Улар билан ҳам ака-ука тутинасан. Хўп?..

Рустам ортиқча ўйлаб ўтирмай кўнди. Шу куни поезд бизни тарақа-туруқ билан Наманганга олиб кетди.

Эртаси куни тушлик пайти, онам ҳовлимиз саҳнида офтобрўяга чиқиб ўтирганида, Рустамни етаклаб уйга кириб бордим.

— Вой бўйларингдан ўргилай. Кеча сани тилвизорда кўрудикку. Бугун ўзинг келаведдийми? Ҳой, Марғумахон, беққа кесайисчи! Саддорбек келди. Ман сизга айтмаммидим. Бугун ё эттага Саддорбегим кеп қолади деп.

У югиргилаб келиб, бўйнимдан қучоқлаб пешонамдан ўпаркан, қўйиб юбормай:

— Кечқурун туш кўрудим. Тушимда оқ отда чопиб келиб: Аба, ман хози келаман, новвоғдаги агаротимизга су қўйиб келаман деб, чунонам чоптириб кетинку, ўзиям анави улоқчи Сўлин қирғизга ўхшаб бақват кўриндинг кўзимга. Этталаб туриб, тавба нимага мунақа туш кўддимийкин деп, оянгга айттим: Вой Марғумахон, машнақа туш кўримман. Хомхо-о ўзиям кеп қоламикин девдим; Оянг бўса—билами дегандила...

Онам бечора бир зум бўлсин тинмай гапирар, қайта-қайта қучоқлаб, атрофимда гиргиттон бўларди. Бу орада укаларим, сингилларим бирма-бир келиб кўришишди. Рустам билан ҳеч кимни иши йўқ. Ҳаттоки мен ҳам улар билан бўлиб, унутаёзибман. Шу пайт онамни:

— Ие, манави болани, ким бўлди. Вой ўргилай сендан, йиғлаяптими, бу, Соддорбек билан бўп, сенга қарамаммизам..

Ялт этиб Рустамга қарадим. Кўзлари тўла ёш, жовдираб турарди. Аммо, уни юпатиш учун менга ўрин қолмади. Оиламиз аъзолари энди бирваракайига Рустамга ёпишишди. Кўришишар, кўнглини кўтаришга уринишарди. Мен эса бир четда томоша қилардим; Онам бечора:

— Қўй, йиғлама, болам, – деб Рустамни бағрига босарди.

Ўн кунлар уйда яшадим. Рустамни қишлоқда қолдириб Тошкентга қайтдим. Яна ўз ишларим билан овора бўлиб юрганимда уйдан қўнғироқ қилиб қолишди. Онамнинг йиғламсираб гапиришидан билдимки, Рустам яна ғала-ғовур Тошкентни қўмсаган ёки... Гапнинг рости аниқ бир нима деёлмайман.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Мен Рустамни бир зум бўлсин қидиришдан чарчамадим. Лекин 1995 йилнинг охирида ҳарбий хизматга жўнаб кетдиму, бу ишим вақтинча барҳам топди. Ниҳоят, 1997 йил баҳорида хизматдан қайтдим. Унинг мунг тўла кўзларини ҳали ҳануз одамлар орасидан қидираман. Унга ўхшаш қиёфаларни кўрсам орзиқиб кетаман. Минг афсус... мен уни йўқотдим. Мабода укамни кўрсангиз бошини силанг, азизлар. Бу дунёдан фақат яхшилигингиз қолади.

Саййид ОЛИМ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0369. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 19.30.